

Демография ва меҳнат бозори

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 1305,9 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 4,9 минг кишига ёки 100,3 фоизга кўпайди.

Ҳисобот даврида аҳолининг табиий ўсиши 5252 кишини ташкил этди. 2017 январь-март ҳолатига аҳолининг кўчиб келиш ва кўчиб кетиш миграция сальдоси, дастлабки маълумотларга кўра, -273 кишини ташкил қилди. (Кўчиб келганлар 2593 киши, кўчиб кетганлар 2866 киши).

2017 йил январь-март ойида аҳолининг табиий ҳаракати қуидагича ифодаланади:

	Киши			Хар 1000 кишига	
	2016 й.	2017 й. ¹⁾	Ўсиш, камайиш (+;-)	2016 й.	2017 й. ¹⁾
Туғилганлар	6718	6626	-92	21,1	20,6
Ўлганлар	1159	1374	215	3,6	4,3
шу жумладан бир ёшгача болалар 1000 туғилган болаларга нисбатан	87	100	13	11,0	12,9
Табиий ўсиш	5252	5252	-307	17,5	16,3
Никоҳлар	1556	1509	-47	4,9	4,7
Ажралишлар	216	253	37	0,7	0,8

2017 йил 1 апрель ҳолатига туғилганлар сони 6626 кишини ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 92 кишига, туғилиш коэффициенти 21,1 промилледан 20,6 промиллека камайди.

Туғилиш даражасининг камайиши вилоятнинг деярли барча худудларида қайд этилди. Фориш туманида (19,2 промилледан 16,4 промилле), Зафаробод туманида (16,4 промилледан 17,0 промилле), Бахмал туманида (22,2 промилледан 20,3 промилле)га камайди. Туғилишнинг юкори даражаси Бахмал туманида (23,4 промилле), туғилишнинг энг паст даражаси Мирзачўл туманида (16,4 промилле) кузатилди.

Ҳисобот даврида ўлганлар сони 1374 кишини ташкил этди. Ўлганлар сонининг камайиши Зафаробод (5,1 промилле) ва Жиззах (4,8 промилле) туманида кузатилди.

Энг кўп ўлим ҳоллари Фориш тумани (5,1 промилле), Бахмал (4,8 промилле), Жиззах шахри (4,7 промилле) ва Пахтакор туманларида (4,6 промилле) кузатилди.

¹⁾ дастлабки маълумот

Үлганлар умумий сонидан қон айланиш системаси касалликларидан 762 та (55,5 фоизи), баҳтсиз ҳодисалардан: 93 та (6,8 фоизи), нафас олиш органлари касалликларидан: 96 та (6,9 фоизи), саратон касалликларидан 131 та (9,5 фоизи) ва юқумли касалликлардан 20 та (1,5 фоизи) бошқа касалликлардан: 272 та (19,8 фоизи) вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йил 1 апрель ҳолатига бир ёшга тўлмай ўлган болалар сони 100 тани ташкил қилди. Гўдаклар ўлими 2016 йилнинг январь-мартида 11,0 бўлиб, 2017 йил январь-мартида 12,9 промиллени ташкил этди.

Жами бир ёшга тўлмай ўлган болалардан: перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан 36 та (36 фоизи), нафас олиш органлари касалликларидан 32 та (32 фоизи) вафот этган.


Никоҳлар ва ажралишлар. 2017 йилнинг январь-мартида ФХДЁ органларида 1509 та никоҳлар ва 253 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 4,7 та никоҳ (2016 йилнинг тегишли даврида – 1556 та) ва 253 та ажралишлар (2016 йилнинг тегишли даврида – 216 та) тўғри келади.

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-март ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 2593 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 2866 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиги минус -273 кишига (2016 йилнинг шу даврида – минус 296 киши) тенг бўлди.

Энг катта минус қолдиғлар Фаллаорол (минус 91), Бахмал (минус 74) Арнасой туман (минус 51) туманларида кузатилди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2017 йил январь-мартда қуидагича ифодаланади:

Ҳар 1000 кишига



Меҳнат ресурсларининг сони дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йил январь-мартига нисбатан 101,3 фоизга қўпайиб, 751,9 минг кишини ёки вилоят доимий аҳолисининг 57,5 фоизини ташкил қилди.

Нодавлат секторида банд бўлғанлар улуши 2016 йилда ўтган йилнинг шу давридаги 80,9 фоиздан 81,4 фоизга ўсди.


2017 йилнинг январь-мартида меҳнат бўлимларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб 2,3 минг фуқаро мурожаат қилди. Бу 2016 йил январь-мартига нисбатан 607 кишига ёки 79,3 фоизга камайди. Меҳнат бўлимларига иш қидириб мурожаат этганлар даражаси Жиззах шаҳрида (вилоят бўйича иш қидириб мурожаат этганлар умумий сонининг 16,8 фоизи), Фаллаорол туманида (15,3 фоизи), Ш.Рашидов туманида (12,7 фоизи), Бахмал туманида (11,3 фоизи) юқори бўлди¹⁾.

Меҳнат бўлимларига мурожаат қилганлардан 1,9 минг фуқаро (барча мурожаат этганларнинг 82,7 фоизи) ишга жойлаштирилган бўлиб, бу кўрсаткич 2016 йилнинг шу даврида 93,3 фоизни ташкил этган. Иш сўраб мурожаат қилганлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 607 кишига камайди. Ишга жойлаштирилганларнинг 57,6 фоизи 16 ёшдан 30 ёшгача бўлган аҳолидир.

2017 йил март ойининг охирида иш қидириш учун вилоят меҳнат бўлимларида хисобда турган аҳоли сони 339 кишини ташкил қилди. (2016 йил март ойининг охирида 135 киши бўлган).

Ишга жойлашиш мақсадида меҳнат бўлимларидан рўйхатда турган аҳолининг аксарияти Фаллаорол туманига (359 киши, жами рўйхатда турганларнинг 15,3 фоизи) ва Жиззах шаҳрига (394 киши, вилоят миқёсида жами рўйхатда турганларнинг 16,8 фоизи) тўғри келади.

Меҳнат бўлимлари орқали ишга жойлаштирилган фуқаролар сони қўйидагича ифодаланади:



¹⁾ Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошкармаси маълумотлари бўйича

Меңнат бўлимларида рўйхатга олинган иш билан банд бўлмаган фуқаролар умумий сонидан шу йилнинг март ойи охирига 222 киши ёки 64,4 фоизи ишсиз деб эътироф этилган.

Меңнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг маълумотларига кўра, 2017 йил январь-март ойида хизматлар соҳаси ва сервисни ривожлантириш мақсадли комплекс Дастурларини амалга ошириш доирасида, вилоят бўйича 9,2 минг иш жойлари ташкил қилинган.

Вилоят бўйича ташкил қилинган янги иш жойлари умумий сонининг 11,9 фоизи (1,1 мингта иш жойи) қишлоқ жойларга тўғри келади.